



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**БУЙРУҚ
№ 8**

Тошкент ш.

2022 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 28 февралдаги 19-29-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

§1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 28 февралдаги 19-29-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

§2

Мазкур қарорга асосан 2022 йил 1 июлидан бошлаб эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда рейтинг баҳолаш тизими барча давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этилиши, Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги, унга мувофиқ давлат ташкилорларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими ва коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа халқаро стандартларининг самарали жорий этилганлиги ҳамда амалиётга тадбиқ қилинганлиги рейтинг баҳолашнинг объекти ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

§3

Қарор билан қуйидагилар белгиланганлиги инобатга олинсин:
рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан «E-Antikor.uz» электрон платформаси орқали ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги «яхши», «кониқарли» ва «кониқарсиз» тоифаларга ажратиш;

рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформада чиқарилади ва ҳар йили 1 мартга қадар кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш; ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар бўлган давр рейтинг баҳолаш тизими билан қамраб олиш;

рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолислигини текшириш мақсадида қамида 30 фоизи фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантириш.

§4

Ушбу қарорнинг 6 бандида белгиланган вазифалар ижросини тامينлаш мақсадида ҳар бир индикатор бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари ва аниқ мезонларини белгиловчи "Иммунология ва инсон геномикаси институти ва филиалларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

§5

Институт ва унинг филиаллари (Қарши, Андижон, Нукус) мазкур услубиёт асосида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини кўриб бориш, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш ишларини амалга ошириб бориш учун коррупцияга қарши ички назорат белгилаш мақсадида маъсул О.Назиркулов бюджет маблағлари ҳисобидан 20% миқдорида март ойидан ойлик маошига кўшимча ҳақ тўланган ҳолда маъсул шахс этиб тайинлансин.

§6

Бир ҳафта муддатда коррупцияга қарши ички назорат бўйича маъсул О.Назиркулов тайинланганлиги тўғрисидаги мазкур буйруқнинг кўчирмаси Фанлар академиясининг коррупцияга қарши ички назорат бўйича маъсули М.А.Миркамиловга тақдим этилсин.

§7

Марказнинг коррупцияга қарши ички назорат бўйича маъсул ходими О.Назиркулов Фанлар академиясининг коррупцияга қарши ички назорат бўйича маъсули М.А.Миркамилов билан биргаликда «Е-Антисор.уз» электрон платформаси орқали ҳар чорақда (10 апрел, 10 июл ва 10 октябрга қадар) чорақлик маълумотлар, ҳар рейтинг баҳолаш йил якунида (10 январдан кечиктирмай) йиллик маълумотларни киритиб борилишини таъминласин.

§8

Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор



Т.Арипова